ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

ПАХТА
Намуна танлаб олиш усуллари

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

ХЛОПОК-СЫРЕЦ
Методы отбора проб

Издание официальное

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги

Тошкент

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

СУТ 59.060.10

O'z DSt 643:2006 Пахта. Намуна танлаб олиш усуллари 3-сонли ўзгартириш

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон агентлигининг 03.08.2017 № 05-7744сонли қарори билан тасдиқланди ва жорий этилди

Жорий этиш санаси 2017.08.14

Сўз боши. 1 Банд. "PAXTATOZALASH IICHB"OAЖ" сўзлари ""Paxtasanoat ilmiy markazi" АЖ" сўзлари билан алмаштирилсин.

3.1 Бўлим. Қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

"3.1 Пахта тайёрлаш пунктларида намуна танлаб олиш

3.1.1 Пахта тайёрлаш пунктларида нуқтадан олинган намуналар пункт намуна олувчи томонидан топширувчи вакили иштироқида пахтани тортишдан олдин қўлда олинади.

Нуқтадан олинган намуналарни тўкиш жойларида ҳам олиш мумкин.

Келтирилаётган пахта тўдасининг ҳар 2 тоннасидан камида учта жойидан ҳар хил чуқурликда ҳар бирининг массаси 100 дан 150 g гача бўлган намуна танлаб олинади.

Сиғими 1 kg бўлган қопқоғи зич беркитиладиган банкаларга солинган нуқтадан олинган намуналар, бирлаштирилган намуна ҳосил қилади. Олинган пахтанинг намлигини аниқлаш мўлжалланмаган бўлса, ифлослиги тўкилмайдиган ҳар қандай идишга солиш мумкин.

Бирлаштирилган намуналар сиғими 6 дан 8 kg гача бўлган қопқоқлари зич беркитиладиган банкага солинади ва кун давомида, ҳар бир жамланаётган тўдалар учун алоҳида ўртача кунлик намуна тўпланади. Ўртача кунлик намунанинг массаси камида 3 дан 4 kg гача бўлиши керак. Агарда кун давомида пахта бир–икки маротабагина топширилса унда ўртача кунлик намуна массаси камида 2 kg бўлиши керак.

Ўртача кунлик намуна жойлаштирилган идишига қуйидаги кўрсатмалар билан ёзилган ёрлиқ ёпиштирилади:

- пахта топширувчи хўжалик номи;

1388/03
03 08 17

- жамланаётган тўда тартиб рақами;
- ғўзанинг селекция нави;
- пахтанинг саноат нави;
- намуна танлаб олинган сана.

3.1.2 Ўртача кунлик намуналар бир кунда қабул қилинган пахтанинг инструментал усулда намлиги ва ифлослигини аниқлаш, ҳамда навини пишиб етилганлик коэффициенти ва бошқа кўрсаткичлари бўйича текшириш учун хизмат қилади.

3.1.3 Бирлаштирилган намуналар пахтанинг ҳар бир келтирилган тўда бўйича намлиги, ифлослиги ва навини инструментал усулда аниқлаш учун хизмат қилади.

Ҳар бир келтирилаётган пахта тўдасини инструментал қабул қилишда бирлаштирилган намуна массаси 1 kg атрофида бўлиши керак.

Пахтани инструментал усулда қабул қилишда бирлаштирилган намунани идентификациялаштириш белгилаган тартибда тасдиқланган йўриқнома бўйича бажарилади.

3.1.4 Пахтанинг саноат навини ёки синфини органолептик баҳолашда, шунингдек гоммоз касаллиги билан зарарланган пахта миқдорини аниқлашда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда, массаси камида 1 kg қайтадан бирлаштирилган намуна олинади. Бирлаштирилган намуна пахтанинг ҳар 2 тоннасидан камида 15 та ҳар хил жойидан олинган нуқтавий намуналардан ташкил қилинади.

Нуқтадан олинадиган намуналарни тайёрлаш пункти лаборатория ходими намуна олувчи ва топширувчи вакили иштирокида олади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
[illegible]

"PAXTASANOAT ILMIY MARKAZI"
АЖ бош директори, т.ф.д. Р. А. Гуляев

Бош директорнинг илмий ишлар бўйича
ўринбосари, д.ф.н., проф. К. Жуманиязов

Стандартлаштириш ва метрология бўлими
мудири, СБТ бошлиғи, т.ф.н., кат.,и.,х. А. Ахмедов

Етакчи илмий ходим, т.ф.н. Ю.Д. Якубова

Кичик илмий ходим Л.А. Джунаева

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
[illegible] BUXORO

СУТ 59.060.10

O‘z DSt 643:2006 Пахта. Намуна танлаб олиш усуллари 2-сонли ЎЗГАРТИРИШ

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг № сонли қарори билан тасдиқланди ва жорий этилди

Жорий этиш санаси 01.09.2016

Стандартнинг амал қилиш муддати 2021–09–01 гача узайтирилсин.

3.1-кичик бўлими. 3.1.3-банди қўйидаги таҳрирда тўлдирилсин:

"3.1.3 Белгиланган тартибда қабул қилинган механизациялашган намуна олгичлар қўлланилишига йўл қўйилади.

Механизациялашган намуна олгичлар пахта тўдасининг ҳар 2 тоннасидан икки жойидан қатламнинг барча баландлиги бўйича 1,5 m чуқурликда массаси 800 g дан кам бўлмаган нуқтавий намуна танлаб олинади."

3.3.2 банди. Учинчи хат боши қуйидаги таҳрирда тўлдирилсин:

"Текшириш режасини ва пахтанинг бир хиллигига қараб бирлаштирилган намуналар ҳар бир қисми бўйича алоҳида синалади ёки ғарам учун умумий массаси 5 дан 10 kg гача бўлган битта бирлаштирилган намунага қўшилган ҳолда синалиши мумкин."

O'ZSTANDART AGENTLIGI
1294/02 son bilan
«03» 06 2016 yilda
Davlat ro'yxatiga olindi

O'z DSt 643:2006 2-сонли ЎЗГАРТИРИШ

"PAXTASANOAT ILMIY MARKAZI"
АЖ бош директор в.в.б., т.ф.д., проф. К. Жуманиязов

Илмий ишлар бўйича директори в.в.б., т.ф.н. Б.Я. Кушакеев

Стандартлаштириш ва метрология бўлими
мудири, СБТ бошлиғи, т.ф.н., кат.и.х. А. Ахмедов

Етакчи илмий ходим, т.ф.н. Ю.Д. Якубова

Кичик илмий ходим Л.А. Джунаева

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, BAYLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BO'LIMI


С 29 гуруҳи


O'z DSt 643:2006 1-сонли ЎЗГАРТИРИШ Пахта. Намуна танлаб олиш усуллари

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон агентлигининг 2011 й. 19.08 № 05-326 сонли қарори билан тасдиқланди ва амалга киритилди

Киритилиш санаси 01.09.2011

Стандартнинг амал қилиш муддати 2016–09–01 гача узайтирилсин.





O'z DSt 643:2006 1-сонли ЎЗГАРТИРИШ

"PAXTASANOAT ILMIY MARKAZI" ОАЖ бош директори — Б.Я. Кушакеев

Бош директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, т.ф.н. — Р.А. Гуляев

Стандартлаштириш ва метрология бўлими мудири, СБТ бошлиғи, т.ф.н., кат.,и.,х. — А.А. Ахмедов

Етакчи илмий ходим, т.ф.н. — Ю.Д. Якубова

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI

Сўз боши

1 "PAXTATOZALASH IICHB" ОАЖ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

2 Стандартлаштириш бўйича "Пахта" техникавий кўмитаси ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги) нинг 2006 йил 22.02-2006 № 05-06 сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНДИ ВА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

4 O'z DSt 643:1995 ЎРНИГА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

Мундарижа

1 Қўлланиш доираси..... 1
2 Атамалар ва таърифлар 1
3 Намуна танлаб олиш..... 2
3.1 Пахта тайёрлаш пунктларида намуна танлаб олиш..... 2
3.2 Жамланаётган пахта тўдасини тўғри қабул қилинишини назорат қилиш учун намуна танлаб олиш 3
3.3 Ғарамларда сақланаётган пахта сифатини аниқлаш учун намуна танлаб олиш..... 3
3.4 Пахтани, пахта пунктларидан жўнатиш ва пахта тозалаш заводларига қабул қилишда намуна танлаб олиш..... 4
3.5 Қуритиш тозалаш ва тозалаш цехларини ишлашини назорат қилиш учун намуна танлаб олиш 5

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

ПАХТА
Намуна танлаб олиш усуллари

ХЛОПОК-СЫРЕЦ
Методы отбора проб

Seed cotton.
Methods for taking off samples seed cotton

Жорий этиш санаси 2006 -25- 03

Амал қилиш муддати 2011-09-10

1 Қўлланиш доираси

Ушбу стандарт пахтага жорий этилади ва пахтани баҳолаш ва сифатини назорат қилиш учун намуналар танлаб олиш усулларини белгилайди.

Ушбу стандарт талаблари мажбурийдир.

2 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилган:

нуқтадан олинган намуна: Донадор бўлмаган маҳсулотнинг (пахтанинг) маълум жойидан бир вақтда олинган намуна миқдори.

Расмий нашр

O'ZSTANDART AGENTLIGI
1388 son bilan
«22» 02 2006 yilda
Davlat ro'yxatiga olindi

бирлаштирилган намуна: Бир тўдадан танлаб олинган нуқтадан олинган намуналар йиғиндиси.

ўртача кунлик намуна: Жамланаётган тўда бўйича ҳар бир пахта топширувчи учун кун давомида алоҳида тўпланган бирлаштирилган намуналардан ташкил топган намуна.
[O'z DSt 581:2002, 3.3]

тўда: Битта ҳужжат билан расмийлаштирилган сифати бўйича бир хил бўлган маълум миқдордаги пахта.

жамланаётган тўда: Қабул қилинаётган тўдадан ғарамга (ёки омборга) жойлаштирилаётган пахтанинг асосий аломатлари бўйича бир турдаги миқдори.
[O'z DSt 581:2002, 3.4]

пахта топширувчи: Пахтани қабул қилиш пунктларига топширувчи қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат), фермер, дехкон хўжалиги, пудратчи ва ш.ў. бошқа пахта етиштирувчи хўжаликлар.

3 Намуна танлаб олиш

3.1 Пахта тайёрлаш пунктларида намуна танлаб олиш

3.1.1 Пахта тайёрлаш пунктларида нуқтадан олинган намуналар пункт классификатори томонидан топширувчи вакили иштироқида пахтани тортишдан олдин қўлда олинади.

Нуқтадан олинган намуналарни тўкиш жойларида ҳам олиш мумкин.

Келтирилаётган пахта тўдасининг ҳар 2 тоннасидан камида учта жойидан ҳар хил чуқурликда ҳар бири 100 дан 150 g гача бўлган намуна танлаб олинади.

Сиғими 1 kg бўлган қопқоғи зич беркитиладиган кичик банкаларга солинган нуқтадан олинган намуналар, бирлаштирилган намуна ҳосил қилади. Олинган пахтанинг намлигини аниқлаш мўлжалланмаган бўлса, ифлослиги тўкилмайдиган оддий идишга солиш мумкин.

Бирлаштирилган намуналар сиғими 6 дан 8 kg гача бўлган зич беркитиладиган идишларга солинади ва кун давомида, ҳар бир жамланаётган тўдалар учун алоҳида ўртача кунлик намуна тўпланади. Ўртача кунлик намунанинг массаси камида 3 дан 4 kg гача бўлиши керак.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

Агарда кун давомида пахта бир–икки маротабагина топширилса унда ўртача кунлик намуна массаси камида 2 kg бўлиши керак.

Идишга қуйидаги кўрсатмалар ёзиб қўйилади:

- пахта топширувчи хўжалик номи;
- жамланаётган тўда номери;
- ғўзанинг селекция нави;
- пахтанинг саноат нави ва синфи;
- намуна олинган кун.

3.1.2 Пахтанинг саноат навини ёки синфини органолептик баҳолашда, шунингдек гоммоз касаллиги билан зарарланган пахта миқдорини аниқлашда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда, қайтадан бирлаштирилган намуна олинади. Текширилаётган пахтанинг ҳар 2 тоннасидан камида 15 та ҳар хил жойдан олинган нуқтавий намуналардан массаси 1 kg дан кам бўлмаган, бирлаштирилган намуна олинади ва текширилади.

Нуқтадан олинадиган намуналарни тайёрлаш пункти лаборатория ходими классификатор ва топширувчи вакили иштирокида олади.

3.2 Жамланаётган пахта тўдасини тўғри қабул қилинишини назорат қилиш учун намуна танлаб олиш

3.2.1 Янги келтирилаётган пахтани жойлаштиришдан олдин, пахта тайёрлаш пунктига бир кун олдин қабул қилиб олинган пахтани сифатини назорат қилиш учун намуна танлаб олинади.

Намунани пахта тайёрлаш пункти лаборатория ходими, пахтани қабул қилиб олган катта классификатор ёки классификатор иштирокида танлаб олади.

Бирлаштирилган намуна жамланаётган ғарамнинг горизонтал текис юзасининг ҳар 10 m^2 дан олинган 2 та нуқтадан олинган намуна: бири 10 cm, бошқаси 50 cm чуқурликда – олинган намунадан ҳосил қилинади.

Намуна зич беркитилган кичик идишга солинади. Бирлаштирилган намуна массаси камида 2 kg бўлиши керак.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

3.3 Ғарамларда сақланаётган пахта сифатини аниқлаш учун намуна танлаб олиш

3.3.1 Ғарамни жамлаш жараёнида намуна танлаб олиш

Қабул қилинган пахтанинг ҳар бир ўртача кунлик намунасидан ушбу ғарамга жамланган пахтанинг ҳар 10 тоннасидан 400 g ҳисобида намуна танлаб олинади.

Намуна қуйидагича танлаб олинади.

3.1.1 бўйича олинган ўртача кунлик намуна столда яхшилаб аралаштирилиб тўғри тўрт бурчак кўринишда ёйилади ва тенг тўрт қисмга ажратилади. Диагонал бўйича икки қисми олиб ташланади. Бўлиш жараёни тайёрланган пахтанинг 10 тоннасига 400 g га тўғри келгунга қадар қайтарилади.

Ғарамни жамлаш тугатилганда (400 дан 500 тоннагача) бирлаштирилган намуна массаси 15 дан 20 kg гача бўлиши керак.

Кейин бу бирлаштирилган намуна текис стол устида жойлаштирилади ва 4 қисмга ажратилади. Ҳар бир қисмидан 3 дан 4 kg гача пахта танлаб олинади, бир жойга тўпланади. Массаси тахминан 14 kg бўлган намуна икки қисмга тахминан 7 kg дан қилиб ажратилади. Тўдадаги пахта сифатини текшириш учун намунанинг бир қисми пахта тозалаш заводи лабораториясига текширишга юборилади, иккинчи қисми эса тайёрлаш пунктида назорат учун сақланади.

Тўдани жамлаш тугатилгандан сўнг намуна зудлик билан икки нусха тўлдирилган паспорт-карточка (пахта учун паспорт) билан бирга заводга юборилади. Паспорт-карточканинг бир нусхаси лаборатория тахлил натижалари билан пахта тайёрлаш пунктига қайтиб берилади.

3.3.2 Жамланган ғарамдан намуна танлаб олиш

Ғарамни тахминан I - II навлар учун 50 тонна, III - V навлар учун 30 тоннадан чамалаб қисмларга бўлинади.

Ҳар бир қисмидан 20 тадан 20 дан 100 cm гача чуқурликда ғарамнинг ташқи қисмларидан ва тунел ичларидан нуктадан олинган намуналар танлаб олинади. Олинган бирлаштирилган намуна тахминан массаси 1 kg бўлиши керак.

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
KUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

3.4 Пахтани, пахта пунктларидан жўнатиш ва пахта тозалаш заводларига қабул қилишда намуна танлаб олиш

Бунда нуқтадан намуна олиш ва бирлаштирилган намуна ташқил қилиш 3.1.1 бўйича бажарилади.

Ҳар бир транспортдан олинган пахтанинг бирлаштирилган намуналари шу тўданинг охирги машинаси пахта заводига жўнатилишига қадар тўпланади ва сифатини текшириш учун ўртача кунлик намуна ташкил этади.

Бирлаштирилган намуналар пахтани қабул қилиш пайтида пахта тозалаш заводи кун давомида ҳар бир тайёрлаш пунктидан жўнатилаётган тўдаси бўйича тўпланади.

3.5 Қуритиш тозалаш ва тозалаш цехларини ишлашини назорат қилиш учун намуна танлаб олиш

Пахтанинг намлигини ва ифлослигини назорат қилиш учун қуритиш тозалаш ва тозалаш цехларидан (ҚТЦ, ТЦ) намуна олинади.

Тўдадан нуқтадан олинган намуна олиш пахтани ҚТЦ на ТЦ ускуналари иш бошлаганига 30 минут ошмасдан 15-20 минут ичида цехдан чиқиш жойидан олиниши керак.

Олинган нуқтадан олинган намуналар зич беркитилган сиғими камида 1 kg бўлган идишларга солиниб, бирлаштирилган намуналар ҳосил қилинади.

Кейинги бирлаштирилган намуна олиш ва пахтани сифатини текшириш, ҚТЦ ва ТЦ цехларини ишлаш жараёнида ҳар 2 соатда олинади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

УЎТ 633.51:620.113:006.354 СУТ 59.060.10 С29 туркуми

Муҳим сўзлар: давлат стандарти, пахта, намуна танлаб олиш усуллари, нуқтадан олинган намуна, бирлаштирилган намуна, ўртача кунлик намуна, пахтанинг жамланаётган тўдаси

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

"PAXTATOZALASH IIChB" OAЖ
Бошқарув раиси — Р.Ф. Юнусов

"PAXTATOZALASH IIChB" OAЖ
СБТ бошлиғи, т.ф.н. — А.А. Ахмедов

Етакчи илмий ходим — Г.Ё. Рахимбергенова

Етакчи илмий ходим, т.ф.н. — Ю.Д. Якубова

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
NUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI